O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV. [illegible]



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 декабр сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 260 (2557)



XXI аср Ўзбекистон

## Сиз янги асрдан нималар кутаяпсиз?

**Илҳом ЖАББОРОВ, ҳайкалтарош, Абдулла Қодирий мукофоти лауреати:**

— Соҳибқирон Амир Темурнинг уч ҳайкали, ал-Фарғонийнинг иккита ҳайкалини яратиш менга насиб этганлигидан Юртбошимиздан ва истиқлолдан умрбод миннатдорман. Орзуимга келсак, насиб этса янги асрда халқимизга миллатимиз шаъни фидойиларининг сиймосини туҳфа этиш — дил муддаоим.

* * *

**Бахтиёр ҲАСАНОВ, Чилонзор тумани «Катта хирмонтепа» уй-жой мулкдорлари ширкати ходими:**

— Янги асрда ҳеч нарсамизни йўқотмайлик, илойим. Токи қайтадан ўрганишга эҳтиёж қолмасин. Аксинча, хорижликлар биздан ўрганишсин. Чунки азалдан шундай бўлган.

Президентимиз бир гапни айтганди: ор, номус, иффат деган сўзларни таржима қилиб бўлмайди. Бу фазилатлар фақат бизга хос-да. Аммо буни дунё халқлари ўрганса фақат ютади. Ўрганишади ҳам ҳали. Мана, ўзбек кураши кун сайин жаҳонда ривожланиб бормоқда-ку. Чунки пойдевори мустаҳкам. Янги асрда бошқа кўплаб қадриятларимиз ҳам дунёга чиқади, деб ўйлайман.



OZBEK-YAPON QOSHMA KORXONASI
Silk Road
UZBEK JAPANESE JOINT VENTURE

## «Силк-Роад» — пиллакор таянчи

*«Силк-Роад» мамлакатимиздаги тараққиёт сари дадил одимлаётган кенжа корхоналардан саналади.*



*Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигининг меваси ҳисобланган ушбу корхонада асосан пилла чиқиндиларидан маҳсулот тайёрланади. Ўтган йили ушбу корхонада 340 тонна пилла чиқиндиларидан 83 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 76,5 тонна казна ипаги эса Японияга экспорт қилинди. 458 нафар наманганлик ёшларни бирлаштирган ушбу корхонанинг тўла қувват билан узлуксиз ишлашини таъминлаш учун зарур хомашё етказиб бериш «Ўзбек ипаги» уюшмаси доимий назоратидадир.*

СУРАТЛАРДА: ипак ўровчи Мунира Абдуллажонова; илғор ишчи Зайнабхон Юсупова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов раислигида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳолати, ўзаро ҳисоб-китоблар, шунингдек, республика вазирликлари ва идораларининг иш ҳақи бўйича қарзларига оид масалалар кўриб чиқилди. Ҳукумат комиссияси ишида қатор вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.***

## Ҳукумат комиссияси йиғилиши

Бюджетга қарздорликни қисқартириш масаласи бўйича Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаевнинг ахбороти тингланди.

У ўз маърузасида ўтган давр мобайнида вазирликлар ва идоралар томонидан республика бюджетига мўлжалланган маблағларнинг келиб тушиши бўйича муайян ишлар амалга оширилганини қайд этди. Айни пайтда Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзозиқовқатсаноат”, “Ўзмашсаноат”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзбектрансқурилиш”, “Ўзбек ипаги” уюшмалари, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК томонидан шу йилнинг декабр ойи бўйича ҳукумат комиссияси баённомаси қарорига мувофиқ белгиланган бюджетга тўловларга оид топшириқ бажарилмаган. Қайд этиб ўтилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига 2000 йилнинг жорий чорагига оид режали топшириқлар ижросидаги сусткашликка барҳам беришга доир тезкор чоралар қабул қилиш вазифаси топширилди.

Марказий банк раиси Ф.Муллажонов дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини қисқартириш, иш ҳақи бўйича қарздорликка барҳам бериш чоралари тўғрисидаги ахборотида ўтган давр мобайнида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш йўли билан республиканинг мониторинг ўрнатилган корхоналари ва ташкилотлари бўйича 2000 йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра муддати ўтказилган дебиторлик қарздорлиги асосан тўланганини қайд этди.

Бюджетнинг режали харажатларини молиялаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредиторлик қарзларини реструктуризация қилиш натижасида дебиторлик қарздорлиги, жумладан, ички тизимли қарздорлик сезиларли даражада қисқарди.

Айни пайтда айрим идоралар бўйича иш ҳақи тўлаш юзасидан қарзлар мавжуд. Шу муносабат билан юқорида қайд этилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига тасарруфидаги ҳар бир корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва жорий йил охиригача иш ҳақи бўйича мавжуд қарздорликни узишга доир тезкор чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Комиссия йиғилишида ижтимоий таъминот вазири О.Обидовнинг республика хўжалик юритувчи субъектларининг Пенсия жамғармаси олдидаги қарздорлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди. Пенсиялар ва нафақа пулларини талаб даражасида молиялашга доир қолоқликка барҳам бериш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига комиссия томонидан 2000 йилнинг охиригача корхоналар ва ташкилотларнинг Пенсия жамғармасига чегирмалари ва суғурта бадаллари тушишини таъминлаш вазифаси топширилди.

**(ЎзА)**

## Мезон битта:

Олий Мажлис қўмиталарида

## Қонун ижросини амалда тўлиқ жорий этиш керак

Олий Мажлис қўмиталарида кеча бўлиб ўтган йиғилишнинг асосий мазмун-моҳиятини мухтасар қилиб ана шундай ифодалаш мумкин. Хусусан, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ва Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида кадрлар тайёрлашнинг ҳолати тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган маълумотга қараганда, билим юртида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига амал қилиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Лекин бу билим юрти камчиликлардан буткул холи, дегани эмас. Масалан, билим юрти Низомининг амалдаги қонунлар асосида таҳрир этилган, қўшимча ва ўзгартишлар киритилган янги лойиҳаси вазирликка тақдим этилган бўлсада, ҳанузгача тасдиқланмаган. Билим юртида, айни пайтда, учта факультет, 14 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Лекин айрим фанлар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг етишмаётгани ҳам асосий муаммолардан бирига айланган.

Билим юртида, асосан, 7 та йўналиш бўйича бакалавр кадрлар тайёрланмоқда. Айтиш жоизки, ана шу масала депутатларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Чунки билим юртида менежмент, иқтисод, молия йўналишлари бўйича ҳам бакалаврлар тайёрланаяпти. Бу яхши. Лекин Олий ҳарбий-техника билим юрти учун бу йўналишлар нақадар керак? Негаки, бусиз ҳам, айни пайтда, деярли ҳамма ўқув юртларида ана шундай мутахассислар тайёрланаяпти. Бу мутахассислар агар лозим топилса бошқа ўқув даргоҳларидан олиниб, асосий эътибор мавжуд ҳамда замонавий ҳарбий техникаларни ўргатишга қаратилса бўлмайдими? Депутатларнинг ана шундай мазмундаги саволларига вазирлик ҳамда билим юрти вакиллари ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Таклиф ва мулоҳазалар асосида йиғилиш қарори лойиҳасига бир қанча қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Қўмита раислари Аҳтам Турсунов ва Азамат Зиё берилган саволлар, таклиф-мулоҳазалар ва жавобларга доир қатор аниқликлар киритдилар, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўриқлари хусусида гапирдилар.

* * *

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Хоразм вилоятида ижро этилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Йиғилишни олиб борган қўмита раиси Нурдинжон Исмоилов дастлаб ахборот бериш учун сўзни вилоятдаги мутасадди органлар вакилларига берди.

Маълумотларга қараганда, вилоятда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни ижро этиш бўйича талай ишлар қилинганига қарамасдан қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги, бу, аввало, жиноятчилик сонининг кўпайишига, ёшларнинг жиноятчиликка алоқадор ишларга аралашишига ҳам муайян даражада сабаб бўлмоқда. Масалан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида муқаддам судланган 226 шахс томонидан 236 та жиноят содир қилинган. Энг ёмони, жорий йилнинг ўн ойи ичида турли ҳуқуқбузарликларга сабабчи бўлган 3 минг 251 нафар вояга етмаган ўсмир ички ишлар бўлимларига келтирилган. Уларнинг 2 минг 219 нафарини мактаб ўқувчилари, 204 нафарини касб-ҳунар билим юртлари талабалари ташкил этади, 587 нафари эса на бир ерда ўқийди, на ишлайди. Бундай нохуш кўрсаткичлар, айниқса, Урганч, Шовот ва Қўшкўпир туманларида илгаригига қараганда анча ўсганлигини кузатиш мумкин. Хўш, буларнинг асосида нима ётади? Қўмита аъзоларининг фикрича, бунинг асосий сабаби аҳоли ҳуқуқий билимларининг заифлиги, қонунларни жойларда тарғиб ва ташвиқ қилиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигидадир. Модомики шундай экан, мутасадди идоралар бунга нега панжа орасидан қарамоқдалар? Тўғри, юқорида айтилганидек, муайян ишлар қилинмоқда. Лекин далил ва рақамлар бу тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатаяпти. Бунинг учун эса жойларда ҳуқуқий тарбияни барча воситалар билан кучайтириш, амалдаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш керак, токи ҳар бир фуқаро ёки соҳа вакили ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин, нотўғри хатти-ҳаракат, босилган қадами қандай жиноятларни келтириб чиқариши мумкинлигини англасин. Шундагина жамиятда ҳуқуқий маданият юксалиши мумкин.

Йиғилиш сўнггида қабул қилинган қарорда асосий эътибор масалаларнинг ана шу жиҳатларига қаратилди.

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

## Анжуман

## Ўтмиши буюк халқнинг муносиб давомчилари

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида «Ўзбекистон фани XXI аср бўсағасида» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўзбек илм-фанининг тараққиёти билан бир қаторда, муаммолари хусусида ҳам сўз юритилди. XXI асрда фанимиз ютуқлари нималарда намоён бўлиши лозимлиги борасида фикрлар айтилди.***

**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ — академик:**

— Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, фаннинг илмий, назарий ва амалий соҳалари бўйича халқ хўжалигининг барча жабҳаларида муҳим иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга молик фундаментал тадқиқотлар юзага келди. Яъни ўтиш даврига мос самарали механизмлар ишлаб чиқилди. Шуни таъкидлаш жоизки, қадим замонлардан бери Шарқдан таралаётган зиё нафақат ўзбек фан-техника тараққиётига, балки умуминсоният фани ва маданияти юксалишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Беруний, Ибн Сино, Улуғбек сингари аждодларимизнинг нодир, тарихий кашфиётлари жаҳон фанининг олтин хазинасидир. XXI асрда биз ўтмиши буюк халқнинг муносиб давомчилари эканлигимизни намоён этишимиз лозим.

**Марвар ТОШПЎЛАТОВ — профессор:**

— Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда интеллектуал салоҳиятнинг ўрни беқиёс. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ривожига ўз кашфиётлари, илмий тадқиқотлари билан ҳисса қўшаётган кўплаб ёшларимиз бор. Ана шундай ёшларимиздан 40 нафар аспирант ҳозирда Ўзбекистон Президентининг давлат стипендиатлари бўлишди. Бундай юксак мукофот Ҳамдўстлик мамлакатларидан фақат Ўзбекистонда жорий этилган. Янги асрда ўзбек фани, техникаси тақдири ана шундай иқтидорли ва истеъдодли ёшлар қўлида бўлади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди ва давлат стипендиатларига дипломлар топширди.

**Оқил АБДУАЗИМОВ.**

## Экин экиладиган ерлар — асосий бойлигимиз

**Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда «Вилоятда экин ерларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва уни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан вилоят ҳокими И. Бобожонов маъруза қилди.**

**Вилоятда деҳқончилик маданиятини ўстириш, экинзорлардан самарали фойдаланиш, ер — бойлигимизни авайлаб асраш йўлида бирмунча чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

**Шу билан бирга сессияда «Ер кодекси» тўғрисидаги қонун талаблари тўла бажарилмаётганлиги, маҳаллий кенгашлар, хўжалик ташкилотлари, тегишли вилоят идоралари бу муҳим масала билан чуқур ва мунтазам шуғулланмаётганликлари қайд қилинди.**

**Келгусида экин экиладиган ер майдонларини кўз қорачиғидай авайлаб асраш, қисқа муддатларда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, 2001 йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.**

**Сессияда, шунингдек, вилоят ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.**

**Ўз мухбиримиз.**

## Янги йил қувончли келади

**Мамлакатимизда ҳар йили янги йил арафасида арча байрами ўтказиш, эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар, “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчиларига Президент совғаларини улашиш яхши анъана бўлиб қолган. Бу йилги байрам шодиёналари ҳар йилгидан ҳам қизиқарлироқ ўтади. Жойларда ташкил этиладиган “Президент арчаси” теварагида юртимиз келажаги бўлган болаларнинг шодон куй ва қўшиқлари янграйди.**

**Шу йилнинг 29 декабр куни Тошкентдаги муҳташам “Туркистон” саройида ўтказиладиган тантаналар ўз моҳиятига кўра, саховат, меҳр-мурувват, оқибат ифодаси бўлади. Байрамга пойтахтимиздаги барча “Меҳрибонлик уйлари”, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари таклиф этилади. “Келажакка саёҳат” тадбирида “Томоша” болалар фольклор театр-студияси, эстрада ва цирк санъати юлдузлари қатнашади. Томошада болалар йигирма биринчи асрга саёҳат қилиш билан бирга турли эртак қаҳрамонлари билан ҳам учрашади.**

**“Президент арчаси” томошалари юртимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтади.**

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## Мамлакатимизда

### Жиззах нурчиларига — олтин медал

*Жиззах электр тармоқлари корхонаси Франция Миллий саноат ассоциациясининг олтин медалига сазовор бўлди. Халқаро даражадаги бу олий мукофот ишлаб чиқаришдаги маром ва юксак кўрсаткичлар, меҳнат илмий асосларда ташкил этилганлиги ва энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш мукаммал жорий этилганлиги учун берилади.*

### Кичик корхонанинг катта иши

*Моҳир тикувчи Дилноза Холбоеванинг маҳорати сингиган маҳсулотларни чет эл истеъмолчилари хушлаб олишаяпти. Бу чевар қиз Олмалиқдаги «Ал пласт Осиё» корхонасида меҳнат қилаётир. Жамоа ҳар ойда 350 минг полипропилен қопчиқлар чиқармоқда. Унинг тенг ярми хориж буюртмачиларига жўнатилаётир.*

*Бу харидоргир маҳсулотни ишлаб чиқаришни тадбиркор Фарҳод Мамажонов йўлга қўйди. Хусусий корхона доналаштирилган хомашёни Россиядан олмоқда. Замонавий технология уни аввал ипга айлантириб, махсус тўқув станокларига ўтказади. Шу кунларда жамоа аъзолари Тошкент вилоятининг донни қайта ишлаш корхоналари ва «Аммофос» бирлашмасининг буюртмаларини бажаришмоқда.*

### Ноёб санъат асарлари тўплами

*«Олам аёллар нигоҳида» бадиий албоми чоп этилди. Мазкур нашр Очиқ Жамият Институти — Ален Делетроз Жамғармасининг молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилди. Унинг саҳифаларидан мамлакатимиз барча авлод санъаткорларининг 100 дан зиёд асари ўрин олган.*

## Душанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

### Изланиш самараси

*Бугун ҳар бир киши, меҳнат жамоалари эса инчунун, янги асрни шахдам қадамлар билан бошлаш ниятида. Мустақиллик неъматидан баҳра олиб, мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудратини оширишга азму қарор қилган Охунбобоев номли очиқ турдаги акциядорлик жамияти шундай жамоаларнинг бири. Унинг цехларида қўли гул бичувчи ва тикувчилар меҳнат қилишади.*

*— Йилни муваффақиятли якунламоқдамиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Лолахон Абдураҳмонова. — Шу ойнинг бошларидаёқ иш ҳажми ўтган йилга нисбатан 135 фоиз ортди. Биз эркаклар ва аёллар учун кўримли бош кийимлари тикиш технологиясини муттасил такомиллаштириб бораётирмиз. Бунинг учун чет эл сармоясини жалб қилиш ҳаракатидамиз.*



Пойтахтда

## Курраи заминда

### Беш кунлик музокара

*Ўтган якшанба куни Вашингтонда бўлиб ўтган беш кунлик Исроил-Фаластин вакилларининг ўзаро музокаралари якун топди. АҚШ маъмурияти шафелигида ўтказилган мазкур мулоқотлар яна самарасиз тугаган. Томонлар минтақада юзага келган кескин вазиятни юмшатиш борасида якдил фикрга кела олмадилар. Қуддус шаҳри мақоми тўғрисидаги масала эса очиқлигича қолган. Маълумотларга қараганда, шу ҳафта охирида АҚШда Исроил ва Фаластин ҳукумати раҳбарларининг ҳам юзма-юз учрашуви ўтказилиши кутилмоқда.*

### Коштуница тарафдорлари ғолиб

*Сербияда ўтказилган парламент сайловида президент Коштуница бошчилигидаги демократлар партияси ғалаба қозонди. Дастлабки натижаларга қараганда, демократлар сайловчиларнинг 65 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган. Собиқ президент Милошевич етакчилигидаги социалистик партияга эса сайловчиларнинг бор-йўғи 15 фоизи ишонч билдирган. Мутахассислар ўтказилган ушбу сайлов натижаларини янги президент В.Коштуницанинг уруш оқибатларини бутунлай бартараф этиш, мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш, дарз кетган ички ва ташқи сиёсатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлашмоқда.*

### Партия чақириғи

*Мухолифатдаги Шри-Ланка миллий бирлиги партияси ҳукуматни “Тамил илама” озодлик йўлбарслари” айирмачи гуруҳи билан тинчлик музокаралари ўтказишга чақирди. Халқаро ҳамжамият, айниқса, донор давлатлар Шри-Ланкадаги айни вазиятни катта эътибор билан кузатиб турибди. Можаронинг янада кескинлашуви мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоя ҳажми баттар камайишига олиб келиши мумкин, деди партия раҳбарларидан бири.*

● Ватан ичра Ватан

*Фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида бир қанча ваколатли вазифаларни ҳокимият органларидан маҳаллий тизим зиммасига босқичма-босқич топшириш кўзда тутилган. Бозор ислоҳотларини амалга ошириш, хусусий мулкчиликка қонун доирасида кенг имкониятлар яратиш, янги иш ўринларини вужудга келтириш, аҳолининг ижтимоий талабларини қондириш, муҳофаза этиш каби қатор вазифалар эндиликда маҳаллалар фаолиятида асосий ўрин тутади. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда. Мухбиримиз бўлим раиси Аминжон СОЛИЕВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.*

*«... маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Шу маънода, унинг мавқеини кўтариш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир. Биз маҳалла тизимига шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим».*

**Ислом КАРИМОВ.**

# МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИ БИР ОЛАМ

**— Маҳалла Ватаннинг мўъжаз кўзгуси, қон томири. Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар маълум маънода маҳалла ҳаётида ҳам ўз ифодасини топади. Шундай экан, маҳаллада ҳаёт қандай кечмоқда?**

— Ҳозир вилоятимизда 5 та шаҳарча, 95 та қишлоқ ва 864 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларини ривожлантириш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда бош-қош бўлмоқдалар. Айтиш мумкинки, улар фавқулодда муҳим демократия мактаблари, дарсхоналари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир неча йиллардан буён вилоят ҳокимининг қарори билан ҳар бир қишлоқ, маҳалла аҳли ўз ҳудудини, кўчасини, хонадонини обод қилиш ва гулларга буркаш борасида тинмай иш олиб бораётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яшириб нима қиламиз. Илгари маҳалла оқсоқоли маъракалар, турли йиғинларнинг бошида туриш, ҳузурига келганларга маълумотнома ёзиб бериш билан кифояланар эди. Энди-чи? Маҳаллаларда ташкилий ишлар кучайди. Ижро интизомига риоя қилиб, янгича иш услубларини яратиб, ўша масъулиятли, ҳамманинг назарида турадиган вазифаларни бажариш керак бўлади.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, якка-ёлғиз кишиларга ёрдам кўрсатиш, коммунал хизматлар учун аҳолидан ҳақ йиғишга кўмаклашиш, маҳалла осойишталигини таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш каби давлат томонидан амалга ошириб келинган ишларни ўз зиммаларига олдилар ёки бу борада тегишли давлат органларига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Бу, албатта, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдан иборат муҳим стратегик сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани натижасидир.

**— Сизнингча, оқсоқол қандай одам бўлмоғи керак?**

— У қирқ ёшдан юқори бўлгани маъқул. Оқсоқол нафақага чиққан бўлиши шарт эмас. Бироқ шу соҳанинг жонкуяри, қаттиққўл, адолатли инсон бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги давр оқсоқоли катта обрў-эътиборга эга бўлиши билан бирга ақл-идрокда, одоб-ахлоқда, ҳуқуқшуносликда, янгича фикрлашда, ҳалолликда барча фуқароларга ибрат бўладиган, турли соҳа эгалари билан баҳслаша оладиган, ўрни келганда ўз маҳалласида яшовчиларни қонун бўйича ҳимоя қила биладиган инсон бўлмоғи керак.

**— Сиз санаб ўтган хислатлар жойлардаги оқсоқолларнинг ҳаммасидаям мужассам, деб ўйлайсизми?**

— Беш қўл баробар эмас. Аттестация пайтида кўпларнинг баҳридан ўтишга тўғри келди. Уларнинг ўрнига уйим озода бўлсин десанг, маҳаллани тоза тут, уйимда ғурбат бўлмасин десанг маҳалладошларинг билан ҳамжиҳат, ҳамкор бўл, уйим тинч бўлсин десанг, аввало маҳаллангни асра, дегувчи кишилар келди.

**— Кексалар суҳбатига қулоқ тутгудай бўлсак, ота-боболаримиз қўли гул ҳунарманд бўлганлигини биламиз. Ҳатто жойларда бутун-бутун мисгарлар, махсидўзлар, телпакдўзлар, темирчилар маҳалласи бўлар экан.**

— Оддий халқ ҳаётини маълум маънода ушлаб турувчи мана шундай устунлар — яъни тадбиркорлик, ишбилармонликнинг илдизига, афсуски, шўролар даврида болта урилди. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун қайси маҳаллада бўлманг, ёш-ёш йигитлар, қизларимизни қизғин иш устида учратасиз. Ўзини билган, ўз қадрига етган ёшларнинг аксарияти ота-оналари, ака ва опалари қўлидан ишини олмоқда, ҳунарли бўлмоқда. Андижон шаҳридаги очиқ этнографик музейида фаолият кўрсатаётган ёғоч ўймакорлиги, темирчилик расталарини ким билмайди дейсиз. Андижон туманидаги Оқёр қишлоғининг диван, юмшоқ ором курси тайёрлайдиган усталар маҳалласини-чи?

Ҳар бир маҳалланинг ўз новвойи, ошпази, сартароши, чевари, телевизор, совутгич, дазмол, енгил автомобил созловчи устаси, сураткаши, дурадгори, карнайчи-ю сурнайчиси бўлиши керак деб ўйлайман. Ҳар бир оилада ҳеч бўлмаганда битта тадбиркор бўлмоғи шарт. Ўшанда маҳалла ва қишлоқларимизда унча-мунча иш ўринлари вужудга келади. Йигит-қизларимиз ишсизлик гирдобида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди.

**— Фуқароси бой юрт фаровон бўлади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат куртаклайди, савобга йўғрилган хайрли ишлар кулоч ёяди, шундай эмасми?**

— Биласизми, авваллари кўпчилигимиз давлат мени боқиши, уй қуриб бериши, боламни ўқитиши, даволаши керак, деган тушунча билан яшардик. Биз талаб қилишни билар эдигу, бироқ хўш, мен ўзим давлатга нима беряпман, деган саволни бермас эдик. Косамиз оқармагани, биримиз икки бўлмаганининг сабаби ҳам шунда. Энди ҳаёт ўзгарди. Одамлар соғлом фикрлай бошлади. Кимки ақл-идрок билан иш юритса, меҳнатдан қочмаса, қўли узун, қадди тик бўляпти.

Бу хилдаги кишилар қишлоқларда иш тополмай юрган ёшларни ўз қаноти остига олишдан ташқари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларнинг пешонасини силамоқда — саховатпешалик қилмоқда. Кўплар ўз ҳисобидан гузар қуряпти, мактабу боғча тикламоқда. Яна бир хили маҳалласига газ, тоза ичимлик суви олиб келаётир. Юртбошимиз вилоятимизга келганларида шаҳрихонлик тадбиркор Ҳабибулло Махсумов, булоқбошилик Абдужалил Шариповларнинг номини бежиз тилга олганлари йўқ. Савоб истаган одамлар ўзлари учун данғиллама уйлар қуришни, қўш-қўш иномарка машиналар олишни, аёллари, қизларини зеб-зийнатга кўмишни эмас, аксинча, эл қатори яшашни афзал билмоқдалар. Ўз умридан узоқ яшайдиган ишларга қўл уриш пайидан бўлмоқдалар.

**— Жамиятни ислоҳ қилиш жараёнларига аҳолининг кенг қатламларини имкони борича кўпроқ жалб этиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллигини ошириш тақозо этилмоқда. Бунинг учун улар бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш зарур. Шундай эмасми?**

— Гап шундаки, вилоятимизда 270 минг нафар пенсионер бўлиб, улар кексалик гаштини сурмоқда. Лекин улар ўртасида олиб борилаётган тадбирлар етарлича эмас. Агар пенсия тарқатиш ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларига топширилса, нафақахўр билан маҳалла ўртасида жонли, икки томонлама ижтимоий фойдали алоқа ўрнатилиши мумкин, деб ўйлайман.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий ва молиявий базаси тўлиқ шаклланмаганлиги ёки жуда заифлиги улар олдида турган асосий муаммолардан биридир. Натижада улар зарур бўлган ҳолларда бирорта қўшимча штат олиб фойдаланиш имкониятиға ҳам эга эмас. Маҳаллаларда жойлашган гузарларни, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ҳунармандчилик шохобчаларини маҳаллалар ихтиёрига бериш мақсадига мувофиқ бўлур эди.

Маҳаллалар ҳаётини демократлаштириш соҳасидаги айрим камчиликлардан бири шундан иборатки, маҳалла оқсоқоллари ҳамон юқоридан буйруқ кутиб, ўзларининг мустақиллиги ва ижодий ташаббускорлигини йўқотиб қўймоқда. Бундай ҳолат билан мутлақо келишиб бўлмайди.

**Суҳбатдош:**
**«Халқ сўзи» мухбири**
**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.**

● Ислоҳот одимлари

# Аввал сутни сотишарди

## энди пишлоғу қаймоқни ҳам

Наманганда чорвачилик тараққиётини таъминлаётган жамоалар орасида Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Қорамоллар бош сонини кўпайтириш, озуқа етиштиришга эътибор тармоқ ходимлари эришаётган муваффақиятларнинг асосий омили бўлаётир.

Гапнинг очиғи, ҳозирда ихтисослаштирилган хўжаликларни ҳисобга олмаганда, фермасида минг бошдан ортиқ қорамоли бор жамоалар унча кўп эмас. Сабабини сўрасангиз, аксарият раҳбарлар озуқа майдонлари қисқариб, ем-хашак камайиб кетганини рўкач қилишади.



Лекин ҳамма жойдаям шундай эмас. Узоқ йиллар мобайнида шакллантирилган йирик фермалар, зотдор молларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаётган хўжаликлар ёки жамоа хўжалигидан сотиб олган чорвасини рисоладагидек боқиб, ўзига ҳам, халққа ҳам наф келтираётган фермерлар бор. Юқоридаги ширкат хўжалигида бу хазина ҳақида гап кетганда барчанинг кўнгли яйрайди. Моли кўпайса-кўпайяптики, озайгани сезилмайди. Сут етарли бўлгач, яқинда пишлоқ, сариёғ, сузма сингари тўққиз хил маҳсулот чиқарадиган қулинг ўргулсин цехни ҳам ишга туширишди.

Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Чиндан ҳам бу ерда баъзи жойлардагидек тармоқни ўгайлатиб қўйишмаган экан. Шу боис пода ҳамиша бут. Сут, гўшт, тухум етиштириш миқдори ҳам шунга яраша — йилдан-йилга ортиб боряпти. Буни, энг аввало, ферманинг мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланганлиги ҳамда озуқа етиштириш ишлари режали ташкил этилаётганлиги билан изоҳлашади. Рости ҳам шу. Бошқарув раиси Турдали Жумабоевнинг таъкидлашича, ўтган йилдан бошлаб озуқа экинлари парвариши учун алоҳида бригада ташкил этилибди. Илгари беда ҳам, маккажўхори ҳам барча бригадаларда оз-оздан экилиб, пахтадан орттирилсагина ишлов, ўғит бериларди. Натижада номигагина силос, беда жамғариларди. Энди аҳвол ўзгарди. Бу йил ўраларга олдинги йиллардагидан анча кўп озуқа босиб қўйилди.

— Чуқурлардаги силос бултургидан икки ҳисса кўп — 3000 тонна бўлди, — дейди бош чорвадор Маҳаммаджон Усмонов. — Беда пичани ҳам шунча кўпайиб, 250 тоннага етди. Бундан ташқари, 280 тонна табиий пичанимиз, анчагина лавлаги, сомон бор. Уларни қўшимча майдонларга экиб эмас, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтирдик. Ўғитни етарли бериб, сувини вақтида қўйгандик, баракаси ошди. Энди кўнглимиз тўқ, озуқамиз қишловга бемалол етади.

Суҳбатдошимизнинг гапига қараганда, бурноғи йили ҳар бир шартли қорамолга 8 озуқа бирлиги ҳисобида ем-хашак жамғарилиб, қишли-қировли кунларда бироз қийналиб қолишган экан. Бу йил ушбу кўрсаткични 15,46 га етказишибди. Аслида ҳамма гап шунда. Озуқа бисёр, ёпиқ жой етарли бўлса, чорвадорнинг қишловда иши беш. Айниқса, 1315 бош қорамоли бор мазкур ширкат хўжалиги учун бу энг зарур шарт. Бўлмаса, «ейман, ичаман», деб турган сигиру бузоқ, гўштга боқилаётган молларни асрашу, боқиб тўйдиришнинг ўзи бўладими. Бу ерда ҳаммасини уддалаб, ҳар бир ишга улгуришаётгани боис тармоқда фойда салмоғи ошмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳам оз эмас, йилига 670 тонна сут, 60 тонна гўшт, 40 минг дона тухум шифохоналар, болалар боғчалари, аҳоли дастурхонига тортиқ этилади.

Хўжаликнинг чорвачилик фермасидаги тартиб-интизом, ишчиларнинг машина-механизмлардан фойдаланиш даражасини кўриб, барқарор ишлаш омилларини тушуниб етасан, киши. Бунинг устига меҳнат аҳлига эътибору ғамхўрлик жойига қўйилган. Сут соғувчию бузоқбоқар, хашак майдалайдиган механизм бошқарувчисидан тортиб, электр созловчисигача меҳнатининг пировард натижасини яхши билади. Ҳаммалари ойлик маош ва мукофот пулларини вақтида олаётганларидан мамнун.

— Янги туғилган бузоқларни парваришлайман, — дейди бир тўп қора-ола зотли жониворлар ичида куймаланиб юрган Зокиржон Парпибоев. — Уларни беталофот ўстирганим учун иш ҳақимга 20 фоиз қўшимча оламан. Бу ёғидан келсангиз, маошим ҳам чакки эмас. Октябр ойида 18 минг сўм қўлимга тегди. Сут соғувчи Санобар Абдуллаева 15 минг сўм ишлади. Бошқаларники ҳам оз эмас.

Раҳбарнинг ўзи қизиқмаса, хўжаликнинг барча соҳаларини бирдай ривожлантириш қийин. Турдали Жумабоевнинг бир оёғи ҳамиша фермада. Чорвадорлар унинг назоратини ҳам, ғамхўрлигини ҳам ҳар қадамда ҳис этиб туришади. Шунча тер тўкиб етиштирилган сутни қайта ишлаш корхоналарига арзон-гаров бериб юбораверамизми, деб ўйлаб юрган раис яқинда хайрли ишга қўл уриб, уни ниҳоясига етказди. Қўшни «Чортоқ» ширкат хўжалиги билан ҳамкорликда Исроилнинг «Жарав» фирмасидан сутни қайта ишловчи технология келтирилди. Уни ишга тушириб юборишгандан сўнг қаймоқ, пишлоқ, сариёғ, қатиқ, сузма сингари 9 хил маҳсулот чиқариляпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, илгари бир литр сутни 55-60 сўмдан сотаётган хўжалик эндиликда ундан 30-35 фоиз ортиқ наф кўради. Демак, тармоқ самарадорлиги ҳам шунча кўтарилади.

Ширкат хўжалиги иқтисодий хизмат ходимлари айни дамда йил якуни бўйича хомчўтларни чиқаришяпти. Асосий тармоқ — пахтачиликнинг сарҳисоби тайёр. Шартномавий режа барвақт бажарилиб, ҳосил юқори навларга сотилгани боис ундан 34 миллион сўмдан ортиқ фойда кўриляпти. Бунга чорвачиликдан кутилаётган 3 миллион 221 минг сўм соф даромадни қўшадиган бўлсак, хўжаликнинг қўли анча узайиб қолиши аёнлашади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

*Бу йил пойтахт вилоятида 11 минг 500 гектар майдонга шоли экилган эди. “Тошкентдонмаҳсулотлари” ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси эса янги ҳосилдан олинган гуручни истеъмолчиларга жўнатмоқда.*

*Қайта ишловчилар йил бошида тузилган шартномага биноан деҳқонни сифатли уруғлик, аванс маблағлари билан узлуксиз таъминлашди. Натижада ҳосил ҳам ёмон бўлмади. Мутахассисларнинг фикрича, дон тўқ етилган. Бир килограмм шолидан 55 фоиз гуруч, тўққиз-ўн фоиз оқшоқ олиняпти. Маҳсулот асосан Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига етказиб берилади.*

*Корхона мавсумда 52 минг тонна ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятига эга. Шу боис бу ерда буғдой ёрмаси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, цехларнинг йил давомида бетўхтов ишлашини таъминлашда қўл келмоқда.*

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





**СУРАТЛАРДА: ишчи Дилфуза Маҳкамова; заводнинг умумий кўриниши.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Оналарга ғамхўрлик

Давлатимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб оналарга муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Зотан, она дуосини олиш ўзбекнинг азалий ва эзгу қадриятларига хос фазилат.

Онани эъзозлаш — бу жамиятда инсон омилини доимий эътиборда тутиш демакдир. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг оналарга кўрсатаётган меҳр-мурувватини ҳам шундай таърифлаш ўринлидир.

**Таклиф**

Маълумки, 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оилаларга давлат йўли билан мадад беришни кучайтириш ва ёш авлодни тарбиялаш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мутлақо янги — ягона тизими яратилди. Бу тизимнинг афзаллиги мақсадли ёрдам аниқ йўналтирилгани, моддий ёрдам ва барча нафақалар оилалар орқали етказиб берилаётганини билан намоён бўлаётганидадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги Фармонига мувофиқ бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик нафақа тайинланган ва пул билан таъминлашнинг асосий манбалари этиб ишловчи оналар учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ишламайдиган оналар учун республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари белгиланган эди. Қарийб икки йилдирки, ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, икки ёшгача болаларини парваришлаш билан банд оналарга нафақалар бериб борилмоқда. Аммо айрим жойларда турли мулкчилик шаклларида фаолият юритаётган корхоналар ва хўжаликлар иқтисодий тақчиллик натижасида нафақа тўлашда узилишларга йўл қўйишмоқда. Бу муаммо қишлоқ жойларда кўпроқ кўзга ташланяпти. Пировардида баъзи оналар таътилда бўлганига қарамай ишдан бўшашни маъқул кўрмоқдалар.

Шу муносабат билан бир таклиф айтмоқчиман. Ишончим комилки, 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши боис давлат даражасида дастур қабул қилинади. Унда юқорида тилга олинган муаммоларнинг ечими эътиборга олинса, айни муддао бўлур эди.

**Дилором ЭГАМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

● Мавзуга қайтиб...

***Қанақа ноғора? Нима учун ётники? Ва, не сабаб унга айнан қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ўйнамоқдалар. Гап қайси норасмий рейд ҳақида бормоқда ўзи? Келинг, жиндек ёдингизга солайлик: «Халқ сўзи»нинг 2000 йил 4 ноябр, шанба сонида чоп этилган «Газета «ипподроми» сарлавҳали мақолада мамлакатимизга ноқонуний тарзда олиб келиб сотилаётган айрим хорижий вақтли нашрларнинг қадимий қадриятларимиз ривожига, ёшлар тарбиясига акс таъсир кўрсатаётгани танқид қилинганди.***

***Шундан сўнг муштарийлардан турли мулоҳазалар битилган хатлар олдик, қўнғироқлар бўлди. Аксарият газетхонларимиз бу чиқишимизни қўллаб-қувватладилар. Баъзилар эса... Жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ ва божхона соҳасида хизмат қиладиган дўстларимиз бироз эътироз билдиришди. Уларнинг таъкидлашича, хорижий нашрларнинг мана буниси бизга тўғри келади, униси халқимиз маънавиятига зид, деган тегишли қарор йўқ экан. Майли, тортишмайлик. Бироқ ўз мулоҳазамизни айтишга ҳаққимиз бор, деб ўйлаймиз.***

# ЁТ ноғорага ўйнаётган «тадбиркор»лар

## ёхуд норасмий рейднинг давоми

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Шу хусусда Вазирлар Маҳкамаси алоҳида қарор қабул қилиши шартмикан? Балки тилга олганимиз ҳуқуқий муассасалар мазкур масала бўйича ўзларининг қўшма низомини ишлаб чиқиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказган ҳолда кучга киритса, кифоя қилар? Ва шу йўл билан юртимизга кириб келаётган беҳаёликни, жангарликни, ваҳшийликни тарғиб қилувчи турли китоблар, даврий нашрларни тартибга солиш мумкин эмасми? Бу тўғрида мутасаддилар жиддий ўйлаб кўришар. Биз эса норасмий рейдимизни давом эттирамиз.

Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатига кириш жойини биласиз. Бу ерда одам доим гавжум бўлади. Шунинг учун бўлса керак, пиёдалар йўлагида китоб савдоси билан шуғулланувчи қатор-қатор расталар ўрин олган. Ташқи кўринишидан ҳар қандай кишининг эътиборини тортадиган бундай «товар»ларни секин варақлаган бўлдик.

Уларнинг бири замонавий қуролларда ўзаро ўқ отаётганлар ҳақида ҳикоя қилса, иккинчиси аср вабосига айланган гиёҳвандлик хусусида «мароқ» билан сўз очади. Бошқалари эса турли ваҳшийлик — «ужас»ларни тарғиб қилади.

Хўш, яхши китобни қаердан харид қилса бўлади — бозорданми, магазинданми? Очиғини айтганда, магазинларга китоб «сиғмай» қолиб, уларнинг кўчаларга, бекатлар, бозорларга кираверишдаги йўлакларга ва ҳатто йўл ости йўлларидан ер устига «чиқиб кетганига» анча бўлиб қолди. Шу боис ҳам истайсизми, йўқми, китобларга йўл-йўлакай назар ташлаб ўтасиз. Шу ўринда «яхши» деган сифатга биз ҳам ўзимизча сифат беришни истадик. Тўғри, китобнинг кўриниши, муқоваси чиройли бўлса, у дарров харидор диққатини тортади. Қўлига бир олиб кўргиси келади. Китобнинг муаллифи ва номи, албатта, харидор назаридан четда қолмайди. Ўзи қидириб юргани бўлса, дарҳол нархини сўрайди. Бўлмаса у ёқ бу ёғини титкилаб кўради-да, жойига қўйиб қўяди. Дейлик, касбий китоблар ўша соҳа кишиси учун зарур, фойдали — демак у яхши китоб. Норасмий рейдимиз чоғида шаҳримиз кўчаларида сотилаётган кўпгина ана шундай фойдали китоблар билан ўзимиз ҳам баҳонада танишдик. Москвада чоп этилган «Конфуций», «Платон» номли, шунингдек, тиббиётга оид, йоглар, магиялар (саноғи йўқ) ҳақидаги турли-туман рисолалар харидорни ўзига жалб этади. Ҳаттоки «Қонни уй шароитида тозалаш» (Санкт-Петербург) хусусида ҳам қўлланма мавжуд экан. Энциклопедияларнинг-ку хилма-хиллиги кўзни қамаштиради. Аммо, очиқ айтиш керак, нархи осмонда. Бундай китоблар орасида ора-чира «Мўъжиза китоб» (3 томлик, Болалар энциклопедияси, «Ўзбекистон» нашр.), Тоҳир Маликнинг «Шайтанат»и, суд, ҳуқуқ, прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳақидаги рисола, қўлланмалар ҳам учрайди.

Расталарни кўздан кечираётувдик, 16-17 ёшлар чамасидаги ўспирин сотувчидан «итальянча-русча» луғат сўради.

— Эй, братан, нима қиласан луғат-пуғатларни титкилаб... Нима, Италияга бормоқчимисан? Ундан кўра «любовный» китоб ўқисанг бўлмайдими? — дедию, гапирган гапига ўзи ғалати кулги қилди. Ўспирин ҳеч нарса демай, орқасига ўгирилди-да, кўчанинг нариги томонига ўтиб кетди.

Хўш, нима бўпти, деб эътироз билдиришингиз табиий. Аммо бердисини айтгунча шошманг. Шундай китоблар борки, улар пойтахтимиздаги расталарда ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайган. Номлариям алламбало: «Спидкроссворд», «Суперкроссворд», «777». Ўзбекона андишани сал четга суриб, улардан айрим мисоллар ҳам келтирамиз. «Заверенное «спальное» место», «Способ ... отношение». Ана энди ўйлаб кўриб, бўш катакларни тўлдираверинг.

Ҳозир семизгина баъзи китобларнинг номини айтамиз, бироқ уятсизликда айбламайсиз. Чунки улар кўчада, ҳамманинг кўз олдида (болаларнинг ҳам) сотиляпти: «Секс и после сорока», «Секреты любви и секса», «Постеле с французом». Энди айтингчи, булар халқимизнинг одоб-ахлоқига тўғри келадими? Бундай ҳолатларни «Болалар дунёси» дўкони олдида, давлат акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк» биноси ёнида ҳам кузатиш мумкин.

Шаҳримизнинг қоқ марказига юзланамиз. «Сайилгоҳ» кўчасида сайр қилаётган ёшлар «Декамерон» газетасини, «Ленинская гвардия планеты»ни берилиб варақлашяпти. Яна кимлардир И.Сталиннинг «Сочинение»лари хусусида баҳс юритмоқда.

Метронинг «Чилонзор» бекати қаршисидамиз. Бу ердагиларда сал «инсоф» бор экан. Чунки юқоридагидай «товар»ларни пештахта остидан пуллашяпти. Қизиғи шундаки, харидор келиб, сотувчи билан саломлашади, холос. Ва молни олиб, орқага қайтади. Биз эса пештахта устидагиларни кўздан кечирдик. Тўғриси, ранг-баранг муқовали дафтарларнинг шунчалик кўплигидан қойил ҳам қолдик.

Биттасида Мадонна, иккинчисида Сандра деган хорижий хонандалар чиройли «ҳолат»да лабларини чўччайтириб туришибди. Дарвоқе, шу ерда кўринишидан юқори синфда ўқийдиган икки қизнинг суҳбати қулоққа чалинди.

— Ман, Майклни жуда ёқтираман-де.

— Э, қўйсангчи, ўшанингни. Мана буни қара (дафтар муқовасини кўрсатиб) «симпатичный» қизлар қуриб кетгандек, битта негрни қучоқлаб олибди.



Рейдимиз давомида бир масала бизга тинчлик бермади. Ўзини маърифат улашувчи қилиб кўрсатаётган бу «тадбиркор»лар нима учун асосан хорижий китобларни сотишни хуш кўришади? Назаримизда, улар ёт ноғорага ўйнаётгандек. Ахир мамлакатимизда миллий мафкурамиз, маънавиятимизни тарғиб қилувчи китобларнинг тақдимоти кунда, кунора ўтаётган бўлса. Лекин биз тилга олган расталарда уларни умуман учратмайсиз.

Фикримизни иккинчи бир томондан ҳам исботлашга ҳаракат қиламиз. Ҳаммага яхши маълумки, ҳозир хорижда жаҳон адабиётида тан олинган асарлар жуда кўплаб чоп этилади. Қани эди, сўз очганимиз «тадбиркор»лар шундай асарларни олиб келишса. Йўқ. Улар учун «бизнес» фақат уятли, ваҳимали, жангари китоблардан иборат. Бу ҳам ёт ноғоранинг, ёт таъминотнинг таъсири эмасмикан?

Балки ўринли, балки бироз эътирозли кўринган фикрларимизни очиқ, ошкор айтдик. Нима бўлгандаям, ниятимиз холис. Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий урф-одатларимизга зиён етмаса, деймиз. Ота-қиз, она-ўғил ўртасидаги ҳаё, ибо, иффат пардаси кўтарилмаса, деган ўй хаёлдан ўтаверади. Бизни маънавий бойитадиган китоблар ҳар қанча кўпайса, нур устига аъло нур. Фақат бунинг учун китоб савдоси билан «бизнес» қилаётган тадбиркорлар ишини тартибга солиш, уни назорат қилиш лозим шекилли. Бундан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг (ҳар бир мутасадди ташкилотнинг) ўзига ҳавола. Сўнгги сўзимиз эса қуйидагича: ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қиладиган, халқимиз маънавиятига зид ҳар қандай тадбиркорликка чек қўйилиши лозим!

**Озод РАЖАБОВ,**
**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

O'ZMEVASABZAVOTUZUMSANOAT

# «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ–ХОЛДИНГ»

## компанияси

**Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги, XXI асрнинг биринчи йили –**

## 2001 йил билан

**самимий табриклайди!**

**Янги йил, Янги аср мустақил юртимизга ва унинг ҳар бир хонадонига тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат олиб киришини тилайди!**

**Янги йилда юртимиз деҳқон ва боғбонлари хирмонига барака, меҳнаткашларига зафар ёр бўлсин!**



АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Камалак ТВ»

Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси
Сизларни кириб келаётган

## 2001 йил билан

чин қалбдан қутлайди.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва ишларингизда ривож тилаб қоламиз.

«Камалак ТВ»
қўшма корхонаси

TURON 067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА

3617

---

2001 йил 26 январ — ЭЪЛОН! — соат 10.00 да

| | |
|---|---|
| № 968 “Жиззах-Гулистон”, | № 872 “Самарқанд-Денов”, |
| № 969 “Гулистон-Зомин”, | № 849 “Тошкент-Оқтош”, |
| № 970 “Гулистон-Гагарин”, | № 973 “Пахтаобод-Жиззах”, |
| № 972 “Гулистон-Дўстлик”, | № 923 “Чирчиқ-Навоий”, |
| № 834 “Тошкент-Пахтаобод”, | № 731 “Тошкент-Денов” |

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун

## ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро автомобил транспортида йўловчи ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-видоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия.**

**Комиссия манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссия**га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2001 йил 21 январ 17.00 дан кечикмай талабнома беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини ***2001 йил 25 январ соат 17.00 гача*** қабул қилади.



**ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 41-14-86, 41-14-19.**

3623

---

SQB

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

барча юртдошларимизни, ўз таъсисчилари, акциядорлари ҳамда мижозларини

## Янги йил ва Янги аср билан

самимий муборакбод этади.




Озодлик ва Эрк бизга Ватан юрак каби ягона эканлигини, унинг равнақи учун чинакамига меҳнат қилишни ўргатди. Ҳеч шубҳа йўқки, биз учун энг қийин давр ортда қолди. Кириб келаётган Янги йил, Янги аср эса жасоратли халқимиз, муқаддас Ватанимиз учун нурли, саодатли ва фаровон йиллар бўлажак, иншооллоҳ.

Бугун биз Янги аср арафасида, мингйилликлар туташган тарихий сонияларда турибмиз. Янги мингйилликда барчангизга омад, шодлик ва меҳр-муҳаббат ёр бўлсин.

Мустақиллигимиз ва Тинчлигимиз абадий бўлсин! Халқимизни, юртимизни ғаразли кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

## Янги йилингиз муборак бўлсин!

3628

# KasansayTekmen

Wool Products Textile Industry and Marketing Joint Stock Enterprise

## Iyd Ramazon bayrami bilan muborakbod etib, kirib kelayotgan XXI asr O'zbekiston xalqi uchun Munavvar hayot asri bo'lishini tilaymiz.




**Mahsulotlarimiz:**

**kostyumlik va paltolik matolar, gilam ipi va qo'lda to'qish iplari hamda adyol.**




**Bizning manzilimiz:**

Fabrika: Namangan vil., Kosonsoy tum., Istanbul ko'chasi, 717220.
Tel: (998)(6965) 22-015, 23-459, 21-293, 22-035, 22-392, 23-355
Fax: (998)(6965) 22-566
E-mail: info@kasansaytekmen.com; kastek@online.ru
Tashkent Ofisi: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Tel: (998)(71) 133-29-75, 133-39-05
Fax: (998)(71) 133-67-51 E-mail: tektash@naytov.com

www.kasansaytekmen.com

## Юрт довруғини ёйиш — шараф

# Сандиқ тўла «олтин»лар

*Қашқадарёда каратэ бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Биргина Қарши шаҳрининг ўзида 30 дан зиёд каратэ тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Лекин Алишер Содиқов мураббийлигидаги клуб каратэчиларининг ўрни нафақат вилоятда, балки мамлакатимиз, қолаверса, хорижда эътибор топаётганлиги алоҳида мақтовга лойиқ. Бугунда унинг ўнлаб шогирдлари республикамиз терма жамоаси таркибида муваффақиятли қатнашмоқда. Англия, Австралия, Венгрия, Украина, Қозоғистонда ўтказилган жаҳон чемпионатлари ва халқаро турнирларда кўплаб олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлган Шерзод Иброҳимов, София Каспулатова, Дилфуза Зуҳриддинова, Улуғбек Нафасов, Беҳзод Алиқулов, Жавлон Маҳмудов, Бахтиёр Раҳмонов бир неча йилдан буён мамлакатимиз спорт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келишаяпти.*

Эндигина ўн бир ёшга қадам қўйган, атиги 3 йилдан буён каратэ билан шуғулланаётган бўлса-да катта ишларни қилиб улгурган, ўнлаб хорижий мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда ғалабага эришиб, юртимиз байроғини баланд кўтарган Нодир Хўжаев ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Шу йил 1-3 декабр кунлари Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Қашқадарёдан олти спортчи қатнашди. Улардан тўрттаси кумуш ва бронза медали олишга эришди. Нодир эса чемпионатнинг энг кенжаси бўлса-да 47 мамлакатдан келган 3000 нафар спортчи ўртасида ўзига хос жасорат кўрсатиб, 2 та олтин ва битта кумуш медал соҳиби бўлди.

— Бу олтин ҳамда кумушлар халқимиз ва унинг Президентига янги йил совғам деб биламан, — дейди у. — Венгрияда давлатимиз мадҳияси янграб, бўйнимга медаллар тақилаётганда гўё ўзимни устозларим Алишер ака ва Нурхон Нафасов жаҳонга кўз-кўз қилаётгандек ҳис этдим.

Ҳақиқатдан ҳам бу фикрларда катта маъно бор. Англиялик бутун жаҳон каратэ федерациясининг раҳбари Том Маррес Нодирга юксак баҳо бериб, «қаранг, қанақа жанговар руҳ. Бу келажакда Олимпия чемпиони бўлади» деб дасхат берган.

— 7 марта жаҳон чемпиони англиялик Отто билан суҳбатлашганимда у менда катта таассурот қолдирди, — дейди Нодир. — Келажакда ундан ҳам машҳур бўлишни истайман.

Орзу — бу яхши нарса. Чўққини кўзлаб, унга интилиш эса катта меҳнат талаб қилади. Нодир каратэда айнан шу йўлни танлаган. Эрталаб уйлари олдидаги стадионда югуради. Мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Дарсдан сўнг компьютер ва инглиз тили тўгарагида қатнашади. Ундан кейин кеч соат 21 гача каратэ машғулотларида иштирок этади. Дарвоқе, спортча велосипеди билан сайр қилишга, уй-рўзғор ишларига ёрдам беришга ҳам вақт топади.

1998-2000 йиллар давомида Нодирнинг жаҳон ва Ўзбекистон чемпионатлари, халқаро турнирларда берилган олтин, кумуш, бронза медаллари сони 20 дан ошиб кетди.

— 1999 йилнинг августи оила аъзоларимиз учун сира унутилмас сана бўлиб қолган, — дейди Нодирнинг отаси Рўзиқул Хўжаев. — Шу куни Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрат музейида Нодир ва мен Президентимизнинг махсус совғасини қабул қилиб олганмиз.

Биз Нодиржоннинг спортда эришаётган муваффақиятлари ҳақида тўхталдик, холос. Республика профессионал каратэ маркази аъзоси, мамлакатимизнинг энг ёш 1-ДАН қорабелбоғ соҳиби Нодир Хўжаевнинг олдида ҳали катта синовлар турибди. Унинг энг юксак орзуси келгусида Олимпия ўйинларида қатнашиб, ватандошларига бир неча олтин медал ҳадя этиш. Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 6-синфида аъло баҳолар билан ўқиётган Нодиржонга бу борада омад тилаб қоламиз.

**Эркин ЖЎРАЕВ,**
**журналист.**



**Соф ғалаба.**


ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

# «Асака» банки

**Сизни кириб келаётган Янги йил билан чин дилдан табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака ва улкан муваффақиятлар тилайди.**

**«АСАКА» БАНКИ 2001 ЙИЛДА ДАРОМАДЛАРИНГИЗНИ ОШИРИШ ВА ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА СИЗГА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ЮҚОРИ ФОИЗ УСТАМАЛИ ОМОНАТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

| ОМОНАТ ТУРИ | ФОИЗ УСТАМАСИ |
|---|---|
| «ОРЗУ» *(камида 3 ой муддатга)* | *ҳар ойда 2, 7%* |
| МУДДАТИ: - *1 йилгача* | *йилига 35%* |
| - *1 йилдан 3 йилгача* | *йилига 42%* |
| - *3 йилдан 5 йилгача* | *йилига 65%* |
| «ИСТИҚЛОЛ» *(4 ой муддатга)* | *ҳар ойда 6% ёки йилига 72%* |
| ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР | *ҳар ойда қолдиққа қўшиб бориш билан йилига 42,5%* |
| **ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР** | **ФОИЗ УСТАМАСИ** |
| ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА *(қолдиқнинг энг кам миқдори 300 АҚШ доллари)* | *йилига 4,5%* |
| МУДДАТИ: *1 йилгача 5000 дан 10000 АҚШ долларигача;* | *йилига 5,5%* |
| *1 йилдан 2 йилгача: 10000 АҚШ доллари ва ундан ошиқ* | *йилига 5,75%* *йилига 6%* |

**«Асака» банки йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади. Пулларингизни тез ва истаган пайтингизда олишингиз мумкин.**

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92**
**Манзилимиз: 700015, Тошкент, «Нукус» кўч., 67-уй.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.**

3630


# Ҳат келгач, ҳаракатга тушишди

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

«Бизларга — 82 хўжаликка 1996 йилда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилганди, — деб ёзишибди Кармана туманидаги Кўҳна Қўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар таҳририятга йўллаган мактубларида. — Ҳозирги пайтда кўпчилик янги жойларга кўчиб келишган. Лекин қатор муаммолар борки, уларни ҳал этиш маҳаллий раҳбарлар томонидан пайсалга солинмоқда.

Маҳалламизда ичимлик сувининг йўқлигидан жуда қийналаяпмиз. Бунинг устига оқар сув ҳам йўқ, шу боис деҳқончиликдан ҳосил ололмаяпмиз, эккан дарахтларимиз қуриб қоляпти. Табиий газ келтириш масаласи ҳалигача ҳал этилмаган. Электр қуввати билан таъминлаш масаласида ҳам ишкаллар кўп. Йўлларимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Маҳаллий раҳбарларга мурожаатларимиз натижа бермаётир. Бизларга ёрдам беринглар».

Фуқаролар мактубида келтирилган камчиликларни тугатиш имконияти борми — Навоий вилоят ҳокимлигига шу савол билан мурожаат қилинди. Яқинда вилоят ҳокими жаноб Ғ. Дилов имзоси билан жавоб мактуби олинди.

«Вилоят ҳокимлиги, — дейилади унда, — Навоий шаҳар, Кармана тумани «Усто Ширин» кўчасида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

вилоят ва туман ҳокимликлари раҳбарлари, тегишли ташкилот мутасаддилари, шу маҳалла фуқаролари иштирокида аризада кўрсатилган табиий газ, ичимлик суви, электр таъминоти ҳамда йўл қурилиши муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича йиғилиш ўтказилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, талабга жавоб бермайдиган симёғочлар алмаштирилди, аҳолига жадвал асосида ичимлик суви етказиб берилмоқда. Ичимлик сувини қувурлар орқали етказиб бериш 2001 йил манзилли дастурига киритилди. Кўчани оқар сув билан таъминлаш борасида мавжуд ариқлар ҳашар йўли билан тозаланиб, оқава сув келтирилди. Сув танқис даврларда эса суғориш учур ер ости қудуғи қазилди, 600 метр йўл қисми таъмирланди.

Вилоят якка тартибдаги уй-жой қуриш ва вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмалари томонидан «Усто Ширин» кўчасининг муҳандислик тармоқларини лойиҳа асосида қуриш ишлари 2001 йил мақсадли дастурига киритиш чоралари белгиланди».

# Ёпиғлиқ қозон очилди

*Айна Асилбаева 3 йилдан бери муаллимлик қилади, билимга чанқоқ болалар даврасида ўқитувчиман, деб гердайиб юради. Талабалик йилларининг ўзига хос гашти, жўшқинлигини, сурурини хаёлан кашф этар, лекин домлалару имтиҳон лаҳзаларини кўз олдига келтиргач, юраги орқага тортиб кетарди: «Ишқилиб, бирор киши қайси домла қайси фандан дарс берган, деб қолмасин-да».*

*Асилбаева нега безовта дейсизми? Ахир, ўқимай «мулла» бўлганларнинг кўнглига чироқ ёқсангиз ҳам ёримайди, кўзга тик боқолмайди-да. Айна шундайлардан. У талабаликнинг заҳматларини чекмай, имтиҳон ва синовларнинг ҳаяжонини сезмай, бир зумдаёқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг «Педагогика ва бошланғич таълим методикаси» ихтисоси бўйича дипломга эга бўлганди. БС-804694 рақамли сохта дипломни Конимех тумани халқ таълими бўлимига тақдим этиб, 1997 йилдан буён болалар ва ўсмирлар маданий марказида тўгарак раҳбари ҳамда Халқлар дўстлиги номидаги 2-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келарди.*

*Ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича туравермайди. Сохтакор «муаллим» фош этилди. Аммо бу ойимча болаларга қай тарзда таълим-тарбия бергану, ундан ўқувчилар нимани ҳам ўрганишган? Уста кўрмаган шогирд қай мақомда йўрғалаган?*

*Халқ банкининг шу тумандаги бўлимида назоратчи-хазиначи вазифасида ишлаб келган Олияхон Зарифова ҳам сўраганларга «Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникумини тугатганман» дерди. Аслида унинг номидаги 231788 рақамли (1996 йил) диплом ҳам сохта экан.*

*Хўш, бу «ноёб дипломлар» Конимехга қандай келиб қолган? Энг ажабланарлиси ҳам шунда-да!*

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Жаранглади халқ лапарлари

«Наврўз» байрамига тайёргарлик дастури асосида Андижонда вилоят маданият ишлари бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган «Халқ ижодиёти дурдоналари» кўрик-танлови ўнлаб янги халқ талантларини, ёш ижрочиларни кашф этди.

Қўрғонтепалик бастакор Мадаминжон Саматов, булоқбошилик бастакор Олимжон Матғозиев, аллани маромига етказиб куйлаб ҳаммани лол қолдирган Гулчеҳра Ҳожиева, асакалик Жумабой Қизиқ, пахтаободлик лапарчилар Бекмурод Мухторов ва Шоирахон Эргашева ана шулар жумласидандир.

Бу йил аллалар, ёр-ёрлар, лапарлар, айтишувлар, ўланлар, байт-бараклар — жами бўлиб тўққиз йўналишда алоҳида-алоҳида танловлар ўтказилди.

**«Туркистон-пресс».**





**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

*Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.*
**Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.**

*Бизнинг дилерларимиз:*
*Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.*
*Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.*

®/1907

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*Кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун*

автоматлаштирилган компьютер тизимидан фойдаланиб, реал давр шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматларининг ишончли ва қулай турини таклиф этади.

**«БАНК-МИЖОЗ»**

**деб аталган масофадан хизмат кўрсатиш тизими**

**уйдан ёки офисдан чиқмай туриб, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўз ҳисобварақлари ҳолати, улар бўйича кирим ва чиқим тўловлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмаларни юритиш имкониятини таъминлайди.**

NBU

**Янги хизмат тавсифи билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан маслаҳатни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (99871) 137-59-37, 137-59-60**

*Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафолат беради.*

3559

# ҲАРАКАТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 11 декабрда қабул қилинган “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига биноан 2001 йил 1 мартдан мамлакатимиздаги барча йўлларда янги “Йўл ҳаракати қоидалари” қўллана бошлайди. Албатта, бу янгилик республикамизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, бу борада ягона давлат сиёсатини юритиш, йўл ҳаракати қоидаларини халқаро Конвенция талабларига мувофиқлаштириш ишида муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосига алоқадор бўлган бундай ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳияти ҳаммамизни қизиқтириши табиий. Шуни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобил назорати Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмуҳаммад Зокиров билан суҳбатда бўлдик.*

**— Холмуҳаммад Акбарович, йўл ҳаракати қоидаларини янгилаш қандай эҳтиёжлардан туғилди?**

— Маълумотларга қараганда, ҳар йили ер юзида йўл ҳаракати ҳодисалари оқибатида 500 минг киши ҳалок бўлади. Бу рақам ер куррасида давом этаётган барча жангу жадалларда, табиий офатлар натижасида ва бошқа ҳодисалар туфайли оламдан кўз юмаётганлар сонидан анча кўпдир. Демак,йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш инсониятнинг энг долзарб вазифалардан бири.

Бу масала республикамиз учун ҳам долзарб ҳисобланади. Айни пайтда бизда бундай заруратнинг яна баъзи жиҳатлари бор. Масалан, йилдан-йилга мамлакат миқёсида автомототранспорт воситалари сонининг ошиб бораётганини ёки йўл иншоотларининг такомиллашаётганини олинг. Буларнинг бари олдимизга йўл ҳаракати қоидаларини мукаммаллаштириш вазифасини қўяди. Бундай ўзгаришлар нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам юз берди. Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракати иштирокчилари ва уни тартибга солувчилар олдида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Янги қоидалар бу муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради, деб ўйлайман.

**— Янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидаларининг асосий мақсади ва аҳамияти нималарда, деб биласиз?**

— Янги йўл ҳаракати қоидаларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва жорий этилишидан асосий мақсад йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, турли хил йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат. Мазкур қоидалар шу вазифаларни бажаришда ва уларни тартибга солишда асосий меъёр ҳисобланади.



Маълумки, содир этилган қоида бузишлар ёки турли ҳолатларни баҳолашда, эътироф этишда меъёрий ҳужжатнинг баҳсли жойлари бўлмаслиги керак. Янги қоидаларни яратишда ана шу жиҳатга жиддий эътибор қаратилди. Фикримча, бу билан биз оддий фуқароларнинг қонуний манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилишга эришамиз. Бу ҳужжат йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, ҳайдовчи билан ДАН инспектори ўртасидаги тушунмовчилик ва келишмовчиликлар, асоссиз баҳслашувларга барҳам бериш, йўл ҳаракати маданиятини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, йўл ҳаракати қоидаларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганлиги мазкур ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомини ҳам кўтарди. Чунки у илгари Ички ишлар вазирининг буйруғи билан кучга киритилар эди.

**— Янги ҳужжат аввалги қоидалардан нимаси билан фарқланади, унинг янгилиги нимада?**

— Таҳлил ва кузатишлар рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг қарийб ярми пиёдалар иштирокида содир этилаётганини кўрсатмоқда. Демак, пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдаги ўзгаришларнинг асосини ташкил қилади. Худди шу мақсадда йўл ҳаракати қоидаларига илгари мавжуд бўлмаган бутунлай янги учта белги киритилди. Булар 5.38 — “Турар жой даҳаси”, 5.39 — “Турар жой даҳасининг охири”, 5.40 — “Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли”. Бундан ташқари, турар жой даҳаларида ҳаракатланишни ташкил этиш ва бошқаришни тартибга солиш мақсадида қоидаларга 5 банддан иборат алоҳида бўлим киритилди. Унда турар жой даҳаларида пиёдалар ҳаракатланишда имтиёзга эга эканлиги, бироқ улар транспорт воситаларининг ҳаракатланишига асоссиз халақит бермаслиги кераклиги ва бошқа бир қанча муҳим талаблар ўз ифодасини топган.

Янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”да халқаро Конвенция талаблари инобатга олинган. Жумладан, янгидан киритилган 13.2 бандни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда “Рельссиз транспорт воситаларини фақат чап томондан қувиб ўтишга рухсат берилади. Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини қувиб ўтиш ўнг томондан амалга оширилади” дейилган. Шунинг баробарида айтиш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларининг кўпгина олдинги бандлари таҳрир қилинган, аниқликлар киритилган.

Умид қиламизки, фуқароларимиз “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг янги таҳририни кунт билан ўрганадилар ва мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги маданиятини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**ЎзА мухбири Маҳмуд БЎРОН суҳбатлашди.**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган ИЙД РАМАЗОН ҲАЙИТИ, ЯНГИ ЙИЛ — ЯНГИ АСР бошланиши муносабати билан самимий муборакбод этади.



Биз Янги йил, янги асрга қадам қўяр эканмиз, қадрли бўлиб қолган XX асрдан, 2000 йилимиздан миннатдор эканлигимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунки шу асрнинг охирги ўн йиллигида суюкли Ватанимиз ўз Мустақиллигини қўлга киритди. Бу давр юртимиз учун том маънодаги уйғониш даври бўлди, мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди. Юртдошларимизни қутлуғ байрамлар билан табриклар эканмиз, янги аср тинчлик, барқарорлик, иқтисодий тараққиёт даври бўлиб қолишига астойдил ишонамиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!


● Ҳикмат

*Халқ бор ерда ҳақлик бор.*




● Жумбоқ

***Қимиз сотувчи одатда 30 ва 50 литрдан шифобахш неъмат сотади, чунки унда фақат шундай сиғимдаги идишлар бор. Харидорлардан бири 10 литр қимиз сўраб келди. Сотувчи икки идишдан фойдаланиб 10 литр қимиз берди... Айтингчи, у буни қандай уддалади?***



**Ўтган сондаги жумбоқнинг жавоби:**

**98-76+54+3+21=100**

Худди шу жавобни фаол мухлисимиз Шуҳрат Шоисмоилов (Тошкент шаҳри) 136-35-60 рақамли телефонга хабар қилди. Умуман, ушбу жумбоқнинг турли ифодалари мавжуд. Қарши шаҳридан Кумушой Эргашева уч вариантни тақдим этган.


**ДИҚҚАТ!**

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги ***«EKSPERT VA MARKETING MARKAZI»*** давлат унитар корхонаси томонидан аввал эълон қилинган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сухайл кўчаси, 21-уйда жойлашган 1 - болалар сил касалликлари санаториясининг бино ва иншоотларини сотиш куни бўйича танлов 2000 йил 22 декабр соат 11.00 дан ***2001 йил 15 январ соат 10.00 га*** кўчирилишини маълум қилади.

Маълумотлар учун «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат унитар корхонасига, қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 а - уй. Тел: 133-20-96.**

3648





## Сузаётган орол

Сейбл ороли Атлантика уммонида жойлашган. Унинг ғарбий қирғоғи аста-секин ювилиб камаймоқда. Шарқий қисми эса аксинча қўшилиб боряпти. Натижада орол мунтазам суратда шарққа қараб сурилиб, Янги Шотландия қирғоқларидан узоқлашмоқда. Мутахассислар Сейбл икки аср мобайнида ўн денгиз мили «юрганлигини» ҳисоблаб чиқишди. Унинг йиллик «қадами» 230 метрга тенг.

## Булутдан ҳам баландда

АҚШ осмонўпар бинолар бўйича дунёда биринчиликни олишга ҳаракат қилмоқда. Нью-Йоркдаги Дунёвий тараққиёт жамғармаси Даллас шаҳрида баландлиги 506 метрли осмонўпар бино қуриш режасини эълон қилди. У 500 миллион долларга тушади.



## Тўрт оёқли ўғри

Чехиянинг Гливице шаҳри полициячилари ярим тунда савдо дўкони ойнасини синдириб кирган ўғрини қўлга олишга муваффақ бўлди. Ўғри ёввойи тўнғиз бўлиб чиқди. У ярим тунда ҳеч иккиланмай пештахтани тумшуғи билан синдириб, ичкаридаги озиқ-овқатни паққос тушираётган пайтда ушланди.

# Танлов кашфиётлари

*Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов номидаги 2-республика хонандалар танлови ёш ижрочилар ўзларига яратиб берилган шарт-шароит ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимизнинг мумтоз санъати анъаналарини, устоз ҳофизларнинг ўлмас ижодий меросини пухта ўрганаётганларидан, элу юртга манзур бўладиган ўз асарларини яратиш йўлида тинмай изланаётганларидан дарак берди.*

*Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси талабаси Гулсара Ғоипованинг улуғ устозлар анъаналаридан қувват олган ўзига хос ижро услуби танловда эътироф этилди. Унинг Аму тўлқинлари янглиғ сершитоб ва қудратли овози тажрибали ҳакамлар ҳайъатининг ҳам, санъат ихлосмандларининг ҳам энг юқори баҳоларига муносиб топилди.*

*«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси Комилжон Жабборов эса танловнинг чинакам кашфиёти бўлди. Бу ёш санъаткор улуғ ҳофизнинг кейинги йилларда камол топган издошлари орасида алоҳида ажралиб туради. У қадимий воҳа мақомларию, суворaларини, шунингдек, ўзи яратган янги қўшиқларни бирдай юқори маҳорат билан ижро этди. Г. Ғоипова ва К. Жабборовлар танловда биринчи ўрин соҳиблари бўлишди.*

*Хоразм вилоятининг турли санъат ва ижодий муассасаларида ўз қобилиятларини кенг қулоч ёйдираётган Зулфия Йўлдошева, Улуғбек Бобожонов, Ортиқ Ортиқов, Худойберган Худойберганов, Равшан Матёқубов сингари хонандалар ҳам ўзларини кўрсатишди. Улар танлов ғолиблари қаторидан ўрин олиб, иккинчи ва учинчи даражали дипломларни қўлга киритишди.*

*Комилжон Отаниёзовнинг бебаҳо санъатидан илҳомланиб, қўлига тор ушлаган ижрочи ёшлар мамлакатимизнинг барча жойида ҳам кўплаб топилади. Танловда тилга тушган қорақалпоғистонлик Саладдин Сафоев, сурхондарёлик Шуҳрат Жумаев, фарғоналик Дилшод Содиқов, қашқадарёлик Нажмиддин Оллоназаров, навоийлик Раҳимжон Жуманиёзовларнинг чиқишлари шу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.*

*Сирдарё ва Наманган вилоятларида Комилжон Отаниёзов номидаги 2-республика танловида қатнашишга орзуманд ижрочилар йўқ, деб айтиб бўлмайди. Лекин, афсуски, шу вилоятлардан вакиллар иштирок этишмади.*

*Ғолиблар республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, Хоразм вилояти ҳокимлигининг махсус мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.*

**Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.**


Ҳурматли Ўзбекистон фуқаролари!

«Ўзбекистон» курорт-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларни қиш ва баҳор мавсумида ўзининг маъданли сувлари ва нарзан ванналари билан машҳур бўлган Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олиш ва даволанишга таклиф этади.

- Малакали шифокор-мутахассислар, тажрибали ошпаз-қандолатпазлар саломатлигингизни тиклаб, кўнгилли хордиқ чиқаришингиз учун хизмат қиладилар.
- Йўлланмаларни Сиз хоҳишингизга кўра, 14 ёки 21 кунга тўлиқ рацион билан харид қилишингиз мумкин.
- Таътил кунларида пулган 13 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар белгиланган.



ЙЎЛЛАНМАЛАР БАҲОСИ 100000 СЎМ ВА УНДАН ЮҚОРИ.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 133-64-92,133-55-18,132-13-67.

3611


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси ва касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР Фанлар академиясининг академиги **Иристой ҚЎЧҚОРТОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Миллий университети ректорати, профессор-ўқитувчилари физика факультетининг «Физикани ўқитиш услуби ва тарихи» кафедраси мудири, профессор Эргаш Назировга фарзанди **Шавкат НАЗИРОВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси ички ёнув двигателлари кафедраси доценти **Шарифа ҒОФУРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 1115.
18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.40*
1 2 3 4 5 6